Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил 5 февраль ЧОРШАНБА

№ 11 (12647)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ижод ғунчалари

## БУГУНИМИЗ КАБИ ГЎЗАЛ КАШТАЛАР

Зангиота туманилик 8-синф ўқувчиси Ирода Миртоировага кўпчиликнинг ҳаваси келади, қўли гул. Бир неча йилдан бери мунчоқли кашта билан шуғулланади. Мунчоқдан турли-туман гуллар, дарахтлар, манзараларни яратишни хуш кўради. Ирода турли ижодиёт фестивалларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

**СУРАТДА: (чапдан) Ирода Миртоированинг истеъдодига кўпчилик ҳавас билан қарайди.**



Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Маънавият

**Алишер Навоий – нафақат ўзбек халқи, бутун башарият ақл-тафаккури ва бадиият олами каҳкашонидаги буюк зот.**

**Аммо бир нозик жиҳат бор. Ғарб илм-фан тараққиёти жаҳонда олди ўринга чиқиб олгани учун ҳам ўз буюкларини етарли даражада тарғиб қилиб улгурган. Амалда Шарқнинг ҳеч қандай кам ери йўқ. Фақат ҳали машриқзамин даҳолари бор бўй-басти билан Ғарб дунёсига танилганича йўқ. Бунга ҳам ўз саъй-ҳаракатимиз билан эришамиз.**

## НАВОИЙ ИЖОДИ – МИЛЛИЙ ХАЗИНАМИЗ

Бағри бутун халқ, деган бир ифода бор. Халқнинг бағри бутун бўлиши учун, аввало, унинг эрки ўз қўлида бўлиши керак. Ана шунда у ўз меросига ҳам тўла эгалик қила олади. Бошқача айтганда, минг-минг йиллик тарихи билан бугунини мустаҳкам ришталар билан боғлаб, келажак сари дадил қадамлар ташлайди. Халқ ўтмишидан куч-қувват, салоҳият, ақл-заковат излайди ва топади.

Шу маънода Алишер Навоий – биз учун ниҳоятда буюк бир фавқулодда ҳодиса. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўзбек халқининг жаҳон саҳнасида бор бўй-бастини билан намоён бўлишини таъминлади. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур халқимизнинг сиёсий-давлатчилик салоҳиятини кўз-кўз қилган бўлса, Алишер Навоий унинг маънавий-маърифий, фикрий-ҳиссий, бадиий-табъий (эстетик) жиҳатдан нақадар юксак поғоналарга кўтарила олганини ёрқин кўрсатди.

Навоий, аввало, буюк шоир эди. У ўзбек шеъриятини энг баланд чўққиларга кўтарди. Ўлмас асарлари билан ўзбек тилининг шундай буюк адабиёт яратиш қудратига эга эканини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди. Шоир учун туркий тилда ижод қилиш байроғини бу қадар юксак кўтариш фақат адабий муаммо бўлиб қолмай, балки бевосита миллий сиёсат масаласи ҳам эди.

Қолаверса, Навоий буюк мутафаккир эди. У ўша замондаги инсоният эришган энг баланд тафаккур салоҳиятини намойиш этди. Унинг асарлари яратилганидан кейин олам ва одам ҳақида айтилмаган гап қолмаган эди гўё.

Биз учун унинг тарихчи, сиёсатшунос, давлатшунос сифатида ҳам илмий, ҳам амалий фаолияти – бағоят қадрли. Темурийлар салтанатининг XV аср сўнгги ўн йилликларидаги мустаҳкамлиги, халқининг ҳар тарафлама равнақи кўп жиҳатдан миллатнинг Алишер Навоийдек маънавий пирларига ҳам боғлиқ бўлган эди. Шоир қандайдир бир сиёсатнинг ожиз қули эмас, балки унинг ўзи тарих ва сиёсат ғилдирагини айлантирувчи дарғалардан бирига айланган эди.

Навоийнинг жаҳондаги буюк давлатшунослардан бири сифатидаги меросини ўрганиш, ундан миллий давлатимиз равнақи йўлида фойдаланиш, башариятни бундан тўла бохабар қилиш пайти энди келди. Буюк амирнинг давр ҳукмдори Султон Ҳусайн тарафидан "муқарраби шоҳий", яъни "Ҳазрат Султоннинг энг яқин кишиси" деган шарафли унвон билан тақдирланиши ҳам унинг давлат ишларида нечоғли ҳиссаси бўлганидан далолат беради. Бу мартабанинг шундай имтиёзи бор эдики, Навоий бир муаммо ечими юзасидан Ҳусайн Бойқарога етти мартагача қайта-қайта мурожаат қилиши мумкин эди. Одамлар шоҳ билан бевосита учраша олмаслиги, унга дардини айтиш имконига эга бўлмаслиги, муаммоларни тўғридан-тўғри қўя билмаслиги мумкин эди. Шунинг учун ҳам улар кўпроқ Навоийга кўнглини ёрар, шу орқали муаммога ечим топилиб, муддаога етилар эди.

(Давоми 4-бетда).

Муносабат

## ҚУРИЛАЖАК ИНШООТЛАР – МЕҲРИМИЗ ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг Оқсаройда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди. Айниқса, Президентимизнинг: "Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда" деган фикрлари биз спорт мутасаддиларининг меҳнатига берилган холис баҳо сифатида ҳаммамизга илҳом бағишлади.**

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат аҳамиятига молик масала даражасига кўтарилгани вилоятимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Сўнгги ўн йил давомида вилоятда 65 та мактаб спорт зали, 25 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилган бўлса, 12 та сузиш ҳавзаси ҳамда 26 та спорт иншооти янги қиёфада иш бошлади. Ўтган йилнинг ўзида жамғарманинг салкам 20 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 14 та спорт иншооти ишга туширилди.

Спорт масканлари асосан вилоятимизнинг чекка ҳудудларида қурилаётгани эътиборга сазовор. Чунки қишлоқ жойларида спорт билан мунтазам шуғулланиш, спорт объектларидан самарали фойдаланиш маданияти шаклланди. Қишлоқлардаги спорт иншоотларининг қамров даражаси ўртача 110 фоизни ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕХНИКА ТАЙЁРЛИК ЧИЗИҒИГА ҚЎЙИЛЯПТИ

**Деҳқоннинг иши кўпаядиган кунлар яқинлашяпти. Ҳозир созлаб қўйилган техника эртага уларга мадад бўлади, кўкламги экинлар вақтида экиб олинади.**



Бекобод тумани фермерлари, механизатор ва чилангар-усталари айни пайтда шу хайрли ташвиш билан банд. Фермерларнинг трактор ва экиш мосламалари муқобил машина-трактор паркларига жамлаб, марказлашган тартибда созланяпти. Мавлонов номли, "Кўрагоний агро", "Чаноқ" ва Навоий номли ММТПларда техникаларни таъмирлаш анча жадал. Жумладан, Навоий номли паркда қулай шароитлар яратилгани боис, таъмирлаш ишлари тез ва соз бажарилмоқда. Устахонага 20 дан зиёд механизатор ва чилангарлар жалб этилган. Бугунгача 10 та сеялка, 16 та культиватор, 7 та пушта олиш механизми ва бошқа техникалар тайёрлик чизиғига қўйилди.

– Техникаларни мавсумга тайёрлаш охирлаб қолди, – дейди ММТП раҳбари Обид Норқўзиев. – Айни пайтда усталар уларни яна бир бор кўздан кечириб, синовдан ўтказмоқдалар.

– Туман бўйича 263 та чопиқ трактори, 150 та сеялка, 236 та культиватор, 800 та тишли борона, 45 та ер текислаш ва 68 та пушта олиш механизмлари ҳамда бошқа техника воситалари мавжуд, – дейди туман давлат техника назорати инспектори Абдуҳаким Ўринбоев. – Экиш-тикиш ва парвариш бошланганда уларнинг бекаму кўст ишлаши бугунги ҳаракатга боғлиқ. Шунинг учун техникаларни созлаш барвақт якунланмоқда. Барча ММТПларда техникалар тайёрлик чизиғига қўйилаяпти.

**Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ХАБАРЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ!

**Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди тезкор навбатчилик қисмига Янгибод шаҳарчаси, У. Юсупов маҳалласидан ҳудудга яқин тоғда қор кўчкиси юз бергани тўғрисида хабар келди. Отряд қутқарувчилари зудлик билан воқеа жойига етиб боришди.**

Маҳаллада яшовчи ота-бола Носирали ва Нурмуҳаммад Турғуновлар тоғнинг 3-4 километр баландлигига чиқишгани сабабли, кўчки натижасида қор остида қолиб кетгани маълум бўлди. Равшан Мирзакаримов бошчилигидаги қутқарувчилар тезкорлик билан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишди.

Афсуски, 3,5 метр чуқурликдаги қор остида қолиб кетган Носирали Турғунов воқеа жойида ҳалок бўлган экан. Унинг ўғли Нурмуҳаммад эса қутқариб қолинди.

Азиз, юртдошлар, ҳар куни уяли телефонингизга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қор кўчкиси хавфи борлиги тўғрисидаги СМСлар жўнатмоқда. Шундай бўлсада, кўпчилик бепарволикка йўл қўяётгани натижасида юқоридаги каби нохуш ҳолатлар юз бермоқда. Сизларни яна бир бор сергакликка чорлаймиз.

**Гулшан ҚУДРАТОВА, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди иш юритувчиси.**

**Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини ўтган йили 220 ўқувчи битирган эди. Шундан 21 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришга муваффақ бўлди.**

## ТАҚДИМОТ ВА ТААССУРОТ

Бу маълумот коллежда ўтказилган "Тақдимот ва таассурот" мавзуидаги учрашувда айтиб ўтилди. Унда вилоят ҳокимлиги, туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ички ишлар бўлими вакиллари иштирок этди.

– Коллеж очилганидан бери 1492 ўғил-қиз битириб чиқди, – деди директор М. Қурбонов. – Ўтган йилги битирувчиларимизнинг 126 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Тадбир давомида коллеж талабалари йўналишлар бўйича олган билим ва кўникмаларини тақдимот кўринишида намойиш этишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР

### демократия тамойиллари асосида ўтказилди

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтди. Мазкур жараён натижалари юртимизда фуқаролар фаоллиги кучайиб бораётгани ва демократик янгиланишлар самараси янада салмоқли бўлаётганининг яққол тасдиғидир.

Маҳалла асрлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан биридир. Мустақил Ўзбекистонда маҳалла "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" бош тамойилини рўёбга чиқариш, инсон манфаатларига йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлашда муҳим омилга айланди. Истиқлолнинг илк йилларидан маҳаллани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари шакллантирила бошланди. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва уларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатлари, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти мамлакатимиз Конституцияси билан кафолатланган. Бу ҳуқуқ шаҳарчалар, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## СОХТА МАЪЛУМОТЛАР КИМГА КЕРАК?

**Маълумотларга қараганда, бу йил виоятимиздаги 121 та касб-ҳунар коллежларини 39 минг 69 ўқувчи 106 мутахассислик бўйича битиради. Хўш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва бандлигини таъминлаш масаласида бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Зеро, йиллар тажрибаси бу масалага аниқ ва пухта ўйланган режа асосида ёндашиш зарурлигини кўрсатаяпти.**

– Битирувчиларимизнинг мос йўналишдаги корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлаштириш масаласи доимо диққат марказимизда, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ботир Аҳмедов. – Вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Бу йилги битирувчиларимиз амалиёт ўташи учун 9 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Айни пайтда битирувчи, коллеж ва корхона ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланмоқда. Шунингдек, "2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш" дастури доирасида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш ва 100 га яқин ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, булар битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган. Тижорат банклари ажратиши режалаштирилган 12 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ҳам тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчиларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун вилоятимизда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, уларнинг амалиёт ўташи ва бандлигини таъминлаш жараёнлари вилоят ҳокимлик соати йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

**Қибрай тумани, "Нурафшон" маҳалласи, Баҳор кўчасида ўнлаб ёш оилалар ўз сармоялари ҳисобидан қуриб битказилган уйларга кўчиб ўтди.**

Аҳолининг саъй-ҳаракати билан ҳудудга бир километр газ ва сув, 300 метр узунликда канализация қувурлари ётқизилди. Шунингдек, ҳашар йўли билан 175 туп арча ва турли манзарали дарахт кўчатлари экилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**Қуйи Чирчиқ туманидаги 15-умумтаълим мактабини "Паркент ЛЮКС" МЧЖ капитал таъмирлаб берди.**

## ДАСТУР ДОИРАСИДА

Бош пудратчи "Саноат фуқаро қурилиш" корхонаси эса 14-ўрта таълим мактабини таъмирламоқда.

Туманда ҳудудий дастур лойиҳасига киритилган 3 та қурилиш материаллари, 2 та тикувчилик, 1 та мебель ишлаб чиқариш цехлари ишга тушди.

**Феруза ҲАСАНОВА.**

## ЁШЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Чиноз туманидаги нозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Гранд арт керамик" МЧЖ ошхона ва ювиниш хоналари буюмлари ишлаб чиқариш ҳисобига 200 та, "Чиноз Универсал трейд" МЧЖ эса кир ювиш кукуни, атирсовун, шампунь ишлаб чиқариш эвазига 15 та янги иш ўрни яратди.

Бундан ташқари, туманда 17 та чакана савдо корхоналари ташкил этилиб, 28 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

Муносабат

# ҚУРИЛАЖАК ИНШООТЛАР – МЕҲРИМИЗ ИФОДАСИ

Оҳангарон туманининг энг чекка Тошариқ қишлоғидаги 35-мактабда қўшимча спорт зали қурилгани натижасида нафақат 250 га яқин мактаб ўқувчиси, балки шу яқин атрофда яшайдиган қишлоқ ёшлари ҳам спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қулай шароит яратилди. Ҳозир спорт зали кунига 10-12 соатлаб шуғулланувчилар билан гавжум.

Барча спорт мажмуаларига малакали мураббийлар жалб этилиб, замонавий спорт инвентарлари билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун вилоятимизда 152 мингдан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ҳар бир спорт иншоотида соат 22 гача ишлаш жадвали тузилиб, муассаса хизматчиси, мураббий ва маҳалла фаолларининг биргаликдаги навбатчилиги йўлга қўйилган. Шунинг ҳисобига кунига 18 мингга яқин аҳоли истаган спорт тури билан қулай вақтда шуғулланиш имконига эга бўлди.

Агар 2003 йилда мактаб ёшидаги мутлақо соғлом болалар 60,2 фоиз бўлса, 2013 йилга келиб 67,5 фоизга етди. Бугунги кунда болалар спорти, шунингдек, мактабдан ташқари ва таълим муассасаларида 2 минг 400 дан зиёд ўқитувчи-мураббий спортнинг 43 тури бўйича сабоқ беришмоқда. Шулардан 21 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" унвонига эга эканидан хулоса қилиш мумкинки, болалар спорти ишончли қўлларда.

Яратилаётган шароит ва эътиборга жавобан вилоятимиз спортчилари 2013 йилда 310 та халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, жами 1 минг 836 та медални қўлга киритди. Шундан 678 таси олтин, 622 таси кумуш, 536 таси бронза. 65 вакилимиз жамғарма маблағлари ҳисобидан халқаро мусобақаларда иштирок этди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тортаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимиздаги соғлом муҳит янада мустаҳкамланади.

Соғлом бола йилида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш изчил давом эттирилади. Чунончи, 59 та майдонча қуришни режалаштирганмиз. Шундан 13 таси мактаб спорт зали, 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 4 та йирик спорт мажмуаси. Бу ишлар учун 30 миллиард сўм йўналтирилади. Натижада, йил якунига бориб қўшимча 4 мингга яқин вилоят ёшлари спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун халқаро талабларга жавоб берадиган шароитлар яратилади.

Ёшларни, айниқса қизларимизни спортга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг саломатлиги қатъий назоратга олинади. 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида миллий терма жамоамизнинг вилоятимиздаги 5 та спорт объекти жаҳон андозаларига мослаб таъмирланади ва жиҳозланади.

Шу билан бирга спорт инвентарлари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш, улар билан нафақат ички бозорни тўлдириш, балки экспорт қилиш чораларини кўрамиз.

**Ботир ШЕРМАТОВ,**
**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугуннинг ёшлари

# ИХТИРО МАЪҚУЛ КЕЛДИ

**Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланаётган ёш авлод вакиллари орасида янгиликка ўч ва мустақил фикрловчилар талайгина. Шулардан бири Ҳабибулло Каримовдир.**

Мустақиллик тенгдоши бўлган Ҳабибулло ҳарбий хизмат даврида билими ва аъло хулқи билан тенгдошларига ўрнак бўлгани учун тавсиянома асосида олий ўқув юртига киришга имтиёз берилди. Ўз устида тинимсиз ишлаб, математика, физика фанларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилаётган бир пайтда бу имтиёз Ҳабибулло учун айни муддао бўлди. У 2011 йилда Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ конметаллургия факультетига давлат гранти асосида қабул қилинди. Бугунги кунда факультетнинг 3-босқичида таҳсил олаётган собиқ аскар ўқиш билан бир қаторда турли кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этмоқда.



Ўтган йилги "Келажак овози" кўрик-танловининг республика босқичида "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар" йўналишида иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритди.

– Танловда "Қуёш батареясининг иш унумдорлигини ошириш" мавзуида тайёрлаган макетимни ҳакамлар маъқуллашди, – дейди у. – Бу ютуғимда илмий раҳбарим Соли Ражабов ҳамда Султон Анорбоевнинг ҳиссаси катта бўлди. Анъанавий электр энергиясини тежаб, муқобил энергияни оммалаштириш ҳақидаги таклифимни қўллаб-қувватлашди. Натижада 12 вольтгача бўлган асбоб-ускуналар учун қуёш батареяси макетини ясадик.

Ёш ихтирочининг техник ишланмаси "Аммофос-Максам" корхонасининг тажриба ҳудудида синовдан ўтказилди. Мутахассислар янгиликни амалиётга жорий этса бўлади, дея маъқуллашди. Ҳозир техник лойиҳага патент олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

# МУНОСИБЛАРГА БЕРИЛДИ

**Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар тест синовларини топширди.**

Ушбу синов натижаларига кўра, жанговар, ҳарбий интизом, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича энг кўп балл тўплаган муддатли ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномалар берилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг ана шу тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлаётир.

Давлатимиз томонидан ёшларимизга берилаётган бундай кенг имконият ва имтиёзлар уларни янада фаол бўлишга, изланишга, ўз зиммасидаги вазифаларни доимо масъулият билан бажаришга ундамоқда.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Янги қонун кучга кирди

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, меҳр-мурувватга эҳтиёжманд ёш авлодга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу амалда таъминланмоқда.**

**Жорий йил 3 январда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган.**

# ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур қонун 9 боб, 50 моддадан иборат бўлиб, миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибалари ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлиги асосида ишлаб чиқилган.

Шу ўринда "васийлик" ва "ҳомийлик" тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтсак. Васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, таълим-тарбия бериш, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришдир.

Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва жойлаштирилишини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнда бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиб, уларга зарур ғамхўрлик кўрсатилади.

Васийлик ва ҳомийликни амалга оширишда қонунийлик, меҳр-шафқат тамойилларига амал қилинади. Бу масалада индивидуал ёндашув, болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлиги масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур. Шунда кўрсатилаётган ғамхўрлик том маънода тўлақонли аҳамият касб этади, оила шароитини, ундаги илиқ муҳитни ҳис этиб улғайган бола келгусида шунга муносиб бўлиб вояга етади.

Қонуннинг 2-бобида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланган. Бу соҳадаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сирасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киритилган.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолиятни амалга ошириш тегишлилигига кўра муайян органларга юклатилади. Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Қонунда васийлик ва ҳомийликни белгилаш билан боғлиқ меъёрлар аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Бу шунга муҳтож шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади.

Вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин. Буни истаган шахслар туман ёки шаҳар ҳокими номига ариза билан мурожаат қилади. Васий ёки ҳомий тайинлашда унинг ахлоқий фазилатлари, бурч ва мажбуриятларни бажариш қобилияти инобатга олинади.

Таъкидлаш керакки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган кишилар, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлган фуқаролар, қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас.

Васийлар ўз васийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, уларнинг номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб барча битимларни тузади. Ҳомийлар ҳам шундай ҳуқуқларга эга, улар ўз ҳомийлигидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашади. Уларни учинчи шахслар томонидан бўладиган суиистеъмолликлардан муҳофаза қилади.

Васийлар ва ҳомийлар ўзининг яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши шарт. Чунки қонун асосида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти устидан назорат олиб борилади. Бу жараёнда васий ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши таҳлил қилинади. Бу ушбу соҳада тўлақонли фаолият юритилиши, васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Васийлик ҳам, ҳомийлик ҳам эҳтиёж ва шарт-шароитдан келиб чиқиб тайинланади. Буларнинг бартараф бўлиши васийлик ва ҳомийликнинг тугатилишига олиб келади. Бунга сабаб бўлувчи асослар қонунда аниқ баён этилгани ушбу соҳада муаммога ўрин қолдирмайди. Хусусан, васийлик васийликдаги шахс вафот этганда, вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда, вояга етмаган бола ота-онасига қайтарилганда, васийликдаги шахс фарзандликка олинганда, фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тиклангганда тугатилади.

Вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлгани сабаб васийлик тугатилгач, васийнинг мажбуриятларини бажарувчи шахс вояга етмаганнинг ҳомийси бўлиб қолиши мумкин.

Ҳомийлик эса ҳомийликдаги шахс вояга етганда, ота-онасига қайтарилганда, фарзандликка олинганда ёки вафот этганда, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда, вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда, ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланганда тугатилади.

Мухтасар айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан васийлик ва ҳомийлик соҳасини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий асос яратилди. Бунгача ушбу соҳадаги муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган бўлса, эндиликда ягона қонун асосида васийлик ва ҳомийликка олинаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада мустаҳкамланди.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**
**(ЎзА).**

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВЛАР

## демократия тамойиллари асосида ўтказилди

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни бажараётир. Хусусан, маҳалла ёшлар орасида тарбиявий ишларни муваффақиятли олиб бормоқда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, қонунийликни таъминлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал қилаяпти. Шу билан бирга, маҳалла муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этаётир. Бугун ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокисиз ҳал қилишни тасаввур этиш қийин.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш тамойили асосида ва давр талабларидан келиб чиқиб, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қонунчилик ташаббуси ўз вақтида амалга оширилгани натижасида ўтган йил охиридаги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари такомиллаштирилган янги нормалар асосида ўтказилди. Мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниши ва фаоллигини, ўз оиласи, маҳалласи учун масъуллиги ва жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлигини намойиш этди. Маҳалла аҳолиси ўзи ташкил этган ва ўтказган сайловлар бунинг яққол тасдиғи бўлди.

Оммавий ахборот воситалари – матбуот ва интернетда 1650 дан ортиқ материаллар чоп қилинди, 730 дан зиёд телекўрсатувлар, радиоларда 530 дан кўпроқ эшиттиришлар тайёрланди. Уларда Сенат аъзолари, етакчи олимлар, эксперт ва мутахассислар қатнашди. Жойларда 1050 дан ортиқ семинарлар ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлади.

Сенат Кенгаши комиссияси сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнини фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда тизимли мониторинг қилиб борди. Муқобиллик ва холислик аҳоли ўртасида обрў-эътиборга, ташкилотчилик қобилиятига эга номзодларни фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Буни вакиллар йиғилишларида 32 минг 292 номзод кўриб чиқилгани, улардан 9756 нафар (бир ўринга ўртача 3,3 нафар номзод) энг муносиблари сайлангани ҳам тасдиқлайди. 18 фоиз ҳолатда эса фуқаролар ёпиқ овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишди.

Янги сайланган раисларнинг 56,1 фоизи олий маълумотга эга. 1310 нафар (13,4 фоизи) аёл раисликка сайланди. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2006 йилда бу кўрсаткич 9,9 фоизни, 2008 йилда 11,5 фоизни, 2011 йилда эса 12,7 фоизни ташкил этган эди. Эътиборли жиҳати, айрим ҳудудларда раисликка сайланган хотин-қизлар мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичлардан ҳам юқори. Бу жамиятда аёллар фаоллиги изчил юксалиб бораётганидан далолатдир. Шу билан бирга, раислар таркиби 46,6 фоизга янгиланди.

99 минг 618 фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари сайланди. Уларнинг 44,6 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 30,8 фоизи аёллар.

Жамоатчилик вакилларининг сайлов жараёнларида кенг иштирок этиши ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг ошкоралиги, муқобиллиги ҳамда тенг сайлов ҳуқуқини таъминлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаги сайловлар янгича шарт-шароитларда ўтказилди ва бу яратилган қонунчилик асослари мустаҳкамлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси фуқароларга ташаббускорлик кўрсатишга, ягона мақсад атрофида жипслашишга ҳамда янада ривожланиш йўлида тўғри қадам танлашга имконият яратди.

2014 йил бошидан ўз ишини бажаришга киришган фуқаролар йиғинлари янги таркиби ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, маҳалла аҳолиси турмуш даражасини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб, Соғлом бола йили билан боғлиқ устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишига ишончимиз комил.

**Светлана ОРТИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

# СОХТА МАЪЛУМОТЛАР КИМГА КЕРАК?

Вилоят ҳокимлиги ва қатор мутасадди ташкилотлар юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Шунингдек, ушбу йиғилишларда бу йилги коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласи баробарида ўтган йили коллежларни тамомлаб, ишга жойлашганлар масаласи ҳам таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинмоқда. Ўтган йилда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик учун барча мутасадди ташкилотларга зарур кўрсатмалар берилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амалга оширилаётган шунча саъй-ҳаракатлар, коллежларда уюштирилаётган битирувчи, унинг ота-онаси, иш берувчи корхона ва қатор мутасаддилар иштирокидаги учрашувлар, битирувчи, коллеж ва корхона ўртасида имзоланаётган уч томонлама шартномалар, маҳалла ва туман фаолларининг тушунтиришларига қарамай, айрим жойларда бу масалага юзаки қараш ҳолатлари кузатилаяпти.

Хусусан, яқинда хизмат сафари билан Ўрта Чирчиқ туманида бўлганимизда, дилни оғритувчи шундай ҳолатга дуч келдик. Ижтимоий-иқтисодий коллежи тақдим этган маълумотларга кўра, "Русланбек транс сервис" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашган битирувчиларга яратилган қулайликларни кўриш мақсадида у ерга борганимизда, қулайлик тугул, коллежни тамомлаб келганларни ҳам учратмадик. МЧЖ раҳбари Дилдора Даврoнованинг сўзларига қараганда, ўтган йили бу жамият 7 нафар ўқувчи билан уч томонлама шартнома имзолаган. Шундан уч нафари амалиётдан сўнг шу жойда қолиб, олти ой ишлаган. Кейин улар ишга келмай қўйганлари сабабли бўшатилган. Қолган тўрт битирувчи амалиётдан сўнг қайтиб қорасини ҳам кўрсатмаган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Вилоят ҳокимлиги ва қатор мутасадди ташкилотлар ёш мутахассислар бандлиги хусусида бош қотиришса, елиб-югуришса-ю, айрим раҳбарларнинг бу муҳим масалага масъулиятсизлик билан қарашининг сабаби нима? Ахир, улар имзолаган уч томонлама шартнома ва меҳнат дафтарчаси асосида коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланганини барча маълумотларда қайд этилган. Маълумотларда доимий иш билан банд-у, аслида ишсиз бу ёшларнинг тақдири наҳот уларни қизиқтирмаса?! Раҳбар ўзига бириктирилган ёшларни "устоз-шогирд" анъанаси асосида тарбиялаш ўрнига елка қисса, "Мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида ишласа, мақсадга эришиб бўладими ахир?! Фикримизча, агар ҳар бир ташкилот раҳбари "шунча битирувчи тақдири масъулиятини зиммамга олдим" деб иш юритса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, юқоридаги каби нохуш ҳолатларга ўрин қолмасди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Маънавият

# НАВОИЙ ИЖОДИ – МИЛЛИЙ ХАЗИНАМИЗ

Халққа хизмат шоир ҳаёти ва ижодининг бош ғояси эди, деб баралла айта оламиз. "Эл", "улус", "халқ" унинг асарларида энг кўп қўлланган сўзлар. Агар, дейди шоир, бир қарорга келаётганингда сенда маслаҳатлашиш туйғуси жўш урса, одамларнинг фикрини, улар тарқатиши мумкин бўлган фисқу фасодлар эҳтимолини ҳам ҳисобга олиб иш кўр, ўз йўлингни тўғри деб кўп ҳам ишонаверма, элнинг фикридан ечим топишга интил:

*Завқ эса табъингга*
*салоҳи била,*
*Эл сўзи зимнида*
*фасодин тила.*
*Айлама ўз ройингга*
*кўп эътиқод,*
*Муътамад эл ройидин*
*иста кушод.*

Кеча, бугун ва эрта буюк мутафаккир асарларида ҳамиша бир-бирига уйғун тарзда боғланиб келади. Бироқ муаллиф кишиларни, аввало, ўзи яшаб турган замонни ғанимат билишга чақиради, чунки тарих ўтиб кетди, келажак ҳали олдинда, нақдини кўриш, яъни шу дамни дам билиш зарур, деб ҳисоблайди. "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бир туркий шоирнинг шу мазмундаги ажойиб байтини келтиради:

*Мозию мустақбал аҳволин*
*такаллум айла кам,*
*Не учунким, дам – бу*
*дамдур, дам – бу*
*дамдур, дам – бу дам!*

Ҳамма замонлар ва маконлар учун ҳам буюк шиор бўладиган гап бу.

Шу биргина мисол баҳосида айтиш мумкинки, Навоий меросида ўзигача бўлган қанчадан-қанча буюк ақл эгаларининг дурдона фикрлари жамланган, агар шу асарлари ёзилмаганда эди, бу ҳикматли фикрлар ҳам, эҳтимол, бизгача етиб келмас эди.

Қайси масалада талқин излаб, шоир меросига мурожаат қилманг, ундан керакли, маънили бир гап топасиз. Бугун халқимиз ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб, янги ҳаёт барпо этаётган экан, жамият мақсадсиз ва йўлсиз бўлиши мумкин эмаслигига қайта-қайта амин бўламиз. Бобокалон шоиримиз бизга XV асрдан туриб буюрадилар: "Йўлни юрмай кирган йитар (яъни адашиб қолар) ва ғайримақсуд (мақсадга тескари) ерга етар".

Инсоният мавжуд экан, бу ўлмас ғоялар одамларни эзгуликка ундайверади. Эндиги вазифамиз Навоий меросини дунёнинг барча йирик тилларига таржима қилиб, кенг ёйилишига эришишдан иборат. Токи башарият шундай даҳо маънавий нуридан тўла баҳраманд бўлсин ва ўзбек халқи XV асрдаёқ шундай бадиий-табъий бойлик яратганини кўрсин, билсин.

Навоий биз учун яна шуниси билан азизки, истиқлолнинг дастлабки кунларида бутун жаҳон кўз ўнгида шоир таваллудининг 550 йиллигини кенг нишонладик. Мамлакатимиз пойтахтида бунёд этилган миллий боғимиз шу улуғ зот номи билан аталди. Боғнинг баланд тепалигида маҳобатли ҳайкал ўрнатилди. Унинг пештоқига эса шоирнинг, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим ҳикматини ёзиш керак эди. Токи шу ихчам сўзларда буюк ўзбек мутафаккири ижодининг бош мақсади акс этсин, токи бу сўзлар Ер юзи аҳлининг диққатини тортсин, башариятни огоҳликка даъват этсин. Шукрлар бўлсинки, унинг адади юз минг мисрага етадиган улкан меросидан шундай икки муборак сатр танланди!

Мана, ўша байт:

*Олам аҳли, билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,*
*иш эрур ёрлиғ иш.*

– Эй олам аҳли, – дея мурожаат этаётир улуғ шоир XV асрдан туриб, – ўзаро душманлик иш эмас, шунинг учун барчаларингиз бир-бирларингизга дўст бўлинглар, чунки бу дунёда дўстликдан яхшироқ иш йўқ!

Ҳаммамизнинг эсимизда борки, халқимиз ўша 1991 йилнинг сентябрида, шоир тўйига қўшиб, амалда мустақиллик нашидасини ҳам сурган эди. Чунки бу истиқлолга эришганимиздан кейинги илк оммавий тантана эди.

Навоий таваллудининг 560 йиллиги ҳам халқаро миқёсда кенг нишонланди. Навоий шаҳрида боғ барпо этилиб, шоирга муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан катта илмий конференция ўтказилди.

Айнан мустақиллик йилларида Москва (2002 йил 27 ноябрь), Токио (2004 йил 26 март), Боку (2008 йил, 11 сентябрь) шаҳарларида улуғ бобомизга ҳайкал қад ростлади.

Одамзот – ҳамма замонда ҳам эзгу ғоялар кетидан эргашишга муҳтож. Шу маънода, Навоийнинг ҳар байтида муайян бир ғоя мужассам, десак, муболаға бўлмас.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**филология**
**фанлари номзоди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




## ГРЕЦИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

**Ўтган душанба куни тонгда Грециянинг ғарбий ҳудудида 6,1 магнитуда куч билан зилзила юз бергани қайд этилди.**

Reuters агентлиги АҚШнинг геология, геодезия ва картография хизмати маълумотларига таяниб, шу хабарни тарқатди. Америка сейсмологлари қўлидаги маълумотларга кўра, зилзила ўчоғи 13,7 километр ер қаърида бўлган.

Россиянинг геофизика хизмати мутахассислари берган маълумотда эса зилзиланинг кучи 5,9 магнитуда бўлгани айтилади. "Интерфакс"нинг ушбу маълумотларга таяниб ёзишича, зилзила Кефалония оролидан 3 километр нарида содир бўлган. Умуман, табиий офат ҳақидаги хабарлар тарқатилгунча, зилзиланинг оқибатлари ҳақида аниқ маълумотлар берилмади.

Кефалония ҳудудида ер тез-тез силкиниб туради. Жумладан, ўтган йил декабрь ойи охирида 5,8 магнитуда куч билан зилзила содир бўлганда, ҳудудда фавқулодда вазият эълон қилинди. Маълумотларга қараганда, Европада юз берадиган жами зилзилаларнинг деярли ярми Грецияга тўғри келади. Масалан, 1999 йилда 5,9 магнитуда куч билан ер силкинганда 143 киши қурбон бўлганди.



## ЧЎНТАКДАН ЧИҚҚАН ЁНҒИН

**Американинг Мэн штатида 13 ёшли қизнинг уяли телефони кутилмаганда, ўз-ўзидан ёниб кетгани оқибатида тан жароҳатлари олди.**



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда келтирилишича, мактаб ўқувчисининг чўнтагида бўлган телефон дарс пайтида ташқаридан ҳеч қандай таъсирсиз ўз-ўзидан ёниб кетди. Гувоҳларнинг айтишича, синфда нимадир қаттиқ портлагандай овоз чиқди. Шу пайт ҳалиги қизнинг чўнтагидан тутун бурқсий бошлади. Синфдошлари ўқитувчи ёрдамида оловни ўчирдилар ва қизни шифохонага келтирдилар.

Ўт ўчирувчиларнинг хулосасига кўра, ушбу ҳодисага телефон аппаратидаги аккумулятор батареясида қисқа туташув юз бергани сабаб бўлган. Шуниси қизиқки, ушбу русумдаги уяли телефонлар эгалари илгари ҳам айнан шу тарзда жабр кўрганлар. Хуллас, телефонни ишлаб чиқараётган компания жабрланганларнинг истакларини бажаришга тайёр эканини маълум қилди.

## БРИТАНИЯ ЖАНУБИДА ТОШҚИН ХАВФИ КУТИЛЯПТИ

**Мамлакатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Англиянинг жануби-ғарбий ва марказий Мидлендс минтақасида кучли шамол ва ёғин сув тошқинини келтириб чиқариши мумкин.**



Агентлик ушбу мазмунда беш марта аҳолини огоҳлантирди. Ушбу жиддий огоҳлантиришларда одамлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги таъкидланган.

Ўтган ойда Британиянинг айрим ҳудудларида кейинги юз йил давомида рекорд даражада кўп ёғин бўлди.

## 16 КИШИ ВУЛҚОН ҚУРБОНИ БЎЛДИ

**Индонезиянинг Суматра оролида Синабунг вулқони отилиши натижасида 16 киши ҳалок бўлгани ҳақида ёзмоқда маҳаллий оммавий ахборот воситалари.**

Қутқарувчилар вулқон ҳудудидан узоқ бўлмаган қишлоқлардан бирида 14 кишининг жасадини топишди. Бундан ташқари, улар 3 кишини қутқаришга муваффақ бўлдилар ва уларни шифохонага етказдилар. Кейинроқ улардан бири – 24 ёшли коллеж талабаси жонлантириш бўлимида вафот этди.

Мамлакатнинг табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш миллий бошқармаси маълумотларига кўра, қурбон бўлганлардан 4 нафари мактаб ўқувчилари экан. Улар бу жойга экскурсия учун келишибди.



Қизиғи шундаки, илгари хавфсиз жойга эвакуация қилинган 14 минг маҳаллий аҳоли ўз уйига қайтган пайтда Синабунг кутилмаганда қайта уйғониб қолди. У бир кун давомида уч марта хуруж қилди. Отилиб чиққан лава ва кукунларнинг баландлиги икки километргача етиб борди.

## СУИҚАСД УЮШТИРГАНЛАР ШАХСИ НОМАЪЛУМ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, Афғонистон президентлигига номзод Абдулла Абдулланинг икки ёрдамчисини Ҳирот шаҳрида отиб кетишди.**

Қурбонлардан бири – Аҳмад Ҳамдард Ҳиротда Абдулланинг сайловолди кампаниясига бошчилик қилиши лозим эди. Кечки пайт Ҳирот кўчаларидан бирида номаълум шахслар одамларга қарата ўқ узиб, воқеа жойидан яширинишди. AFP агентлигининг таъкидлашича, кейинги вақтда Абдулланинг штабига номаълум шахслардан таҳдидлар бўлиб, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилганди.

Афғонистон президенти сайловлари 2014 йил апрель ойида бўлиб ўтади. 11 номзод мамлакат раҳбари лавозими учун кураш олиб боради. Илгари Афғонистон ташқи ишлар вазирлигини бошқарган Абдулланинг имкониятлари юқори баҳоланаётган эди. Зеро, у



2009 йилдаги шундай сайловда қатнашиб, 30 фоиз овоз билан иккинчи ўринни эгаллаган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

*Олимпиада олдидан*



## ВАКИЛЛАРИМИЗ СОЧИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

**Индинга Сочида XXII қишки Олимпиада ўйинлари бошланади. Шу муносабат билан пойтахтдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олимпия шон-шуҳрати музейи ҳамда Россия элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Россиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденевнинг айтишича, 40 та давлат раҳбарлари мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш истагини билдиришган. 85 мамлакатнинг 6 мингдан зиёд спортчиси Олимпиада ўйинларида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритган. Шуниси қувонарлики, улар орасида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам бор. Тоғ чанғиси спорти бўйича Ксения Григорьева, Артем Воронов ҳамда фигурали учишда Михаил Ге мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Март ойида эса айнан шу Сочи шаҳрида параолимпиадачилар мусобақалари бўлиб ўтади. Унда иштирок этадиган вакилларимиз – тоғ чанғиси устаси Рамиль Гаязов ва сноуборд бўйича Евгений Слеповдан умидимиз катта.

Терма жамоамиз аъзолари Чорвоқ ва Билдирсой тоғларида узоқ муддатли ўқув-тайёргарлик машғулотларини ўтказишди. Шу билан бирга хорижда ҳам тажриба орттиришди.

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган сурат.**

*Волейбол*

## ҚИЗЛАРДАН УМИД КАТТА

**Бекобод шаҳридаги "Ёшлик" волейбол жамоаси бош мураббийи Сожида Шодиева шогирдларига она каби меҳрибон, мураббий сифатида талабчан, дугона ўрнида сирдош.**



Жамоа ташкил этилганига энди 4 йил бўлди. Шунга қарамай, волейболчи қизлар кўпчиликнинг тилига тушди. Турли мусобақаларда иштирок этиб, талайгина ютуқларни қўлга киритишга улгуришди.

Матлуба Анорқулова ва Диана Раҳматуллина жамоанинг умидли спортчиларидан.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

*Бунёдкорлик*

## ОЛМАЛИҚНИНГ ЯНГИ СТАДИОНИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташаббуси ва ҳомийлигида "Олмалиқ" футбол клубининг янги спорт мажмуаси бунёд этилди. Ўйингоҳ 12 минг кишига мўлжалланган. Бинонинг биринчи қаватига туташ иккита манежда футзал, волейбол, қўл тўпи, бокс, кураш каби спорт турлари билан шуғулланиш имкони бор. Бундан ташқари, учта теннис корти, битта баскетбол, машғулотлар ва назорат ўйинлари ўтказиладиган футбол майдонларини ўз ичига олган. Бу ердаги видеотабло орқали мухлислар футбол учрашувини ҳар томонлама кузатиш имконига эга бўладилар.



"Олмалиқ" футбол клуби бош мураббийи Игорь Шквирин бундай замонавий ва қулай шароит яратиб берилганидан беҳад миннатдор. Миллий чемпионатда самарали ва чиройли ўйин кўрсатиб, юқори натижаларга эришиш, шунингдек, қитъа, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳамда ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун энди барча имкониятлар муҳайё.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Bolalik bog`i

## BUVIJON

*Buvijonim mehribonim*
*Nega sochingiz oppoq?*
*Qoshingiz siyrak juda,*
*Ro`mol o`raysiz har choq?*

*Oyog`ingizda mahsi,*
*Ko`ylagingiz keng, uzun.*
*Ovqatdan qiynalsangiz*
*Yedirib qo`yay o`zim.*

*Buvijonim, men sizni*
*Juda yaxshi ko`raman.*
*A'lo xulq, o`qish bilan*
*Sizni xursand qilaman.*

## QUShLAR

*Men qushlarni bilaman:*
*Qaldirg`och, kaptar, laylak.*
*Deyman: asrab, avaylab*
*Parvarish qilish kerak.*

*Chunki ular zararli*
*Hasharotni yo`q qilar.*
*Bog`bonu dehqonlarga*
*Yaqin madadkor bo`lar.*

## OFTOB

*Oftob kulib boqadi,*
*Menga juda yoqadi.*
*Barchaga taratar nur,*
*Maysalar olar huzur.*

## OLMAXON

*Shoxdan-shoxga sakragan*
*Mittigina olmaxon,*
*Nafsingni tiyib turgin,*
*Hali yema – olma xom.*

**Muxtasar KARIMOVA,**
**Bekobod tumani,**
**5-sinf o`quvchisi.**

Рассом хандаси




Жиноятга жазо муқаррар

# ЯХШИЯМКИ СУДЬЯ ЭМАС

**Бир томчи сувни кўрган чумоли уни дарёмикан, дейди. Қундуз Атипова шу нақлга амал қилдими ё эгаллаб турган лавозимида ўзини шер деб тасаввур этдими, ҳар ҳолда кўп йиллик фаолияти давомида бирор кимса мушугини пишт демаган чоғи, менга ҳамма нарса мумкин, нима қилсам ҳам бўлаверади дейиш йўлига ўтди.**

Гап шундаки, у 1994 йилдан буён жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туман судининг суд мажлиси котибаси лавозимида ишлаб келаётган эди. Охирги пайтларда унинг қадам олиши ўзгариб қолди. Кейин маълум бўлишича, у ноқонуний бойлик орттириш пайига тушган экан.

Бунгача қандай найрангларни ўйлаб топиб, кимларни ўз ноғорасига ўйнатганини билмадиг-у, ҳар ҳолда Қуйи чирчиқлик Толхинжон Мурзинни анча лақиллатди.

Т. Мурзин бепарволигими ёки қоидани менсимаслигиданми, 2013 йилнинг мартида шахсий автомобилида беҳосдан автобусга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этди. Айби борлиги учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, ўзини қонун асосида бир йилу олти ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишди.

Қ. Атипова мазкур суд ишидан фойдаланиб қолиш пайига тушди. Т. Мурзиннинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериши мумкинлигини, бунинг учун 1 млн. 700 минг сўм кераклигини айтди. Устомонликни қарангки, келишилган пулнинг 400 минг сўмини Т. Мурзиннинг турмуш ўртоғи Гўзал Зокировадан алдов йўли билан олди. Эмишки, олган пулларининг тенг ярмини Қуйи Чирчиқ туман ИИБ ЙХХБ инспектори Умид исмли шахсга бериб, эрининг ишини битириб берармиш.



Унинг бу найранглари иш бермади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари қўллаган тезкор чора-тадбирлар натижасида товламачининг найранглари очиб ташланди.

Қундуз Атипованинг қилмишини балки, кимдир кечириш мумкин дер. Бироқ кўпчилик буни хатолик эмас, балки очиқдан очиқ товламачилик ва жиноят деб ҳисоблайди.

Текин бўлса туяни ютиб, думини кўрсатмайдиган бу кимса агар судья бўлганида нима ҳунар кўрсатишини тасаввур этиш қийин эмас. Инсон ўз касби, ҳунари кетидан йиллар давомида мисқоллаб ҳурмат, обрў топади. Аммо, топилган иззатни бир сонияда кўкка совуриш, шаъни, қадрини йўқотиш мумкин. Ҳаётда ақлга таяниб иш кўрган инсон эса ҳеч қачон хатоликка йўл қўймайди. Зеро, ўйлаб ва ўлчаб кесган пушаймон бўлмайди.

Енгил-елпи йўл орқали пул топиш илинжида катта хатоликка йўл қўйган Қ. Атипова эса шу зайлда бойликка бўлган ҳирси туфайли ожиз ва нотавон кимсага айланди, қолди.

Бойлигини йўқотган кимса бир кун йиғлаб, куяди, қадрини йўқотган эса умрбод йиғлайди. Ҳақиқий бойлик сабр ва қаноатда деб билганлар эса доимо фароғатда яшашларига шубҳа йўқ.

**Мурод БОТИРОВ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:**
th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
**Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи
**Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9109. Адади 18809. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.